



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 25 сентябрь, № 197 (8820)

Чоршанба

Сайтимиға Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни касбий таълимни ривожлантириш ва миллий малака тизимини ислоҳ қилишга оид таклифлар тақдироти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалар бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида вазифа қўйилган эди. Ўтган вақт мобайнида тизимнинг самарадорлиги танқидий ўрганилиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хозирги кунда профессионал таълим тизими уч турдаги муассасалар: 333 та касб-хунар мактаби, 227 та техникум ва 112 та коллеждан иборат. Улар табақалашганлиги ва дастурлари ўртасида узвийлик бўлмагани сабабли мавжуд қувватлардан унутили фойдаланилмапти.

Шу боис мазкур 3 турдаги муассасалар негизда техникумлар тармоғини ривожлантириш таклиф этилмоқда. Унга кўра 600 та техникум ташкил этилади. Мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган 71 та муассаса биноси мактабларга айлантдирилиб, 42 мингга ўқувчи ўрни яратилади.

Бундан ташқари, илгари коллежлар турли вазирилик ва идораларга қарашли эди.

Энди бу тизимда бошқарув, ташкилий ва методик жиҳатдан ягона давлат сиёсати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан юритилади.

Замон талабларига тез мослашиши учун техникумларнинг академик мустақиллигини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Ўқиш муддатлари ва давомийлиги касб мураккаблиги ва ўқувчининг таълим даражасига қараб белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Техникумларда таълим сифати ва жозибдорлигини ошириш мақсадида халқаро таълим дастурлари йўлга қўйилади. Дастлаб, тажриба тариқасида 14 та техникумда Англиянинг "ВТЕС" дастури жорий этилади. Битирувчиларга 70 та давлатда тан олинган диплом берилади ҳамда 200 дан ортиқ хорижий университетларга кириш имкони яратилади. Натижага қараб бу тажриба бошқичма-бошқич

бошқа техникумларга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Қабул жараёнини иш берувчилар талаби асосида шакллантириш ҳам мумкин. Шу мақсадда электрон платформа яратилиб, унга барча вазирилик ва тармоқлар уланади. Техникумларнинг таълим дастурлари сановат тармоқлари, тадбиркорлар бирлашмалари, йирик иш берувчилар ва уюшмалар билан келишилганидан сўнг амалиётга киритилади.

Тақдиротида Миллий малака тизимини ислоҳ қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сўнги йилларда бу борада муайян ишлар қилинди. Лекин вазирлар ундан-да кўп. Миндан зиёд ишчи касбларнинг стандартлари ишлаб чиқилмаган. Айрим касблар бўйича квалификациялар халқаро талабларга мос келмайди.

Шу боис энди Касбий малака ва билмларни ривожлантириш республика кен-

гашига Бош вазири раислик қилади. Унинг таркибиде 24 та янги тармоқ кенгашлари тузилади.

Шунингдек, Таълим соҳасидаги лойиҳалар офиси ҳузурида Миллий малака тизимини ривожлантириш институти фаолияти йўлга қўйилади. Институт ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Миллий малака рамкасини янги тахрирда қабул қилади. Лавозим ва касблар классификатори қайта кўриб чиқилади, 100 га яқин замонавий касблар киритилиб, ҳозир амалиётда бўлмаганлари чиқариб ташланади.

Давлатимиз раҳбари техникумларни жиҳозлар ва иш қуроллари билан таъминлаш, замон талабларига мос ишчи-мутахассислар тайёрлаш, бунинг учун амалиётга кенг ўрин бериш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Ў.А.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси номидан "Қудратли давлатга таянган, қонунари миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баянанд, фаровон жамият қуриш — бош мақсадимиз!" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

«РАҚАМЛИ АСРДА ҲАҚИҚАТНИ ИЗЛАБ: ДЕЗИНФОРМАЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ»

Кеча пойтахтимизда айни шу мавзуда биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон медиафорумининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Медиафорум

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар ҳамда Озарбайжон Республикаси Медиаини ривожлантириш агентликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот қотиби Ш. Асадов, Озарбайжон Республикаси Медиаини ривожлантириш агентлиги ижрочи директори А. Исмаилов, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор М. Парлиев, Озарбайжон Республикаси Президенти Администрацияси ННТ ва коммуникация билан ишлаш шўбаси раҳбари К. Гасанов, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси Г. Гулиев иштирок этиб, ушбу форум ва икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, ахборот асрида дезинформацияга қарши курашининг замонга хос тадбирлари, қонунчиликда ушбу масалаларнинг акс этиши юзасидан батафсил сўз юритди.

Ҳақикатни излаб: дезинформацияга қарши курашда сайёҳаракатларни бирлаштириши ўта муҳим ҳисобланади. Мазкур форум икки давлатнинг ахборот ҳамда медиа соҳасида амалга ошириётган қатор дастурлари қўламини кенгайтиришида айни мuddодир.

Форум учта сессиядан ташкил топган бўлиб, биринчи сессияда "Дезинформацияга қарши курашда энг яхши халқаро амалиётлар" мавзусида Ўзбекистонлик ва Озарбайжонлик ахборот соҳаси мутахассислари ҳамда ОАВ раҳбарияти ўз мамлакатлари тажрибаси асосида маъруза қилди. "Ўзбекистон ва Озарбайжонда аҳоли медиа-саводхонлигини оширишда давлат ҳамда нодавлат медиа ташкилотларининг роли" мавзусида иккинчи сессияда бу борада амалга оширилаётган лойиҳалар, медиадастурлар, қўшма "йўл хариталари" ҳамда чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилди.

Учинчи сессияда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган бўлиб, унда бугунги кунга қадар шерикликни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусида режалаштирилаётган сайёҳаракатлар хусусида таклиф ҳамда ташаббуслар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ДАВРА СУҲБАТИ

Сув ҳўжалигининг 2030 йилгача бўлган гендер концепцияси ишлаб чиқилади

Кеча мамлакатимиз Сув ҳўжалиги вазириликда Швейцария тараққийёт ва ҳамкорлик агентлиги молиявий кўмағида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси"нинг 3-босқичи доирасида Ўзбекистон сув ҳўжалигининг 2030 йилгача бўлган гендер концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда соҳа мутахассислари, алоқадор вазирилик ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, гендер масалалари бўйича экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон сув ҳўжалигининг гендер концепциясини ишлаб чиқишга маъсۇл идоралардан ишчи гуруҳ аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида гендер тенгликни таъминлаш мамлакатимиз тараққийотининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбек шахмати тарихида яна бир ёрқин саҳифа

Венгриянинг Будапешт шаҳрида 11 сентябрдан 22 сентябрга қадар бўлиб ўтган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида умумжамоа ҳисобида бронза, шунингдек, тахталар кесимида 1 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон шахмат терма жамоаси аъзолари Ислон Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.



ИФТИХОР

Биламизки, сўнги йилларда юртимиз спорти тарихида янги саҳифалар зарҳал харфлар билан ёзилмоқда, улар орасида, айниқса, Ўзбекистон шахматининг етишиб чиққан "олтин авлоди" мусобақаларда катта ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, 2022 йил Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида вакилларимиз олтин медалларни қўлга киритиб, бутун дунёни лол қолдирган эди. Яқинда паралимпиячиларимиз Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медални қўлга киритиб, юртимиз шаънини юксакка кўтарди. Бу натижалардан кўп ўтмай шахматчиларимиз ушбу аънанани давом эттирди. 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида вакилларимиз Ватанимиз

шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон ареналарида юртимиз обрў-эътибори ва нуфузини оширишда ўз ҳиссасини қўшди.

Венгрия пойтахтида қарийб 200 мамлакатдан маҳоратли шахматчилар иштирок этган мусобақада Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси аъзолари олимпиаданинг бронза медалига сазовор бўлди. Вакилларимиз кескин ва муросасиз мусобақада юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва матонат фазилатларини намойён қилиб Хитой, Сербия, Арманистон, Германия, Озарбайжон, Словения, Испания каби давлатларнинг жамоаларини ортда қолдирди. Чемпион Ҳиндистон терма жамоаси эса вакилларимиздан умумий рейтингда устун бўлишига қарамай шахмат тахтасида тенгма-тенг дона суриб, жанговар дуран қайд этди.



Ҳамкорликни кенгайтириш ташаббуси илгари сурилди

Аввал хабар берилганидек, жорий йил 18 – 20 сентябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида IV Евроосий хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Анжуман

Мазкур нуфузли анжуман доирасида ташкил қилинган "Узоқ умр қириш тиббиёти тенденциялари" мавзусидаги мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Манзура Салимова маъруза билан қатнашди.

Сенатор ўз чиқишида Ўзбекистонда аҳоли соғлиқни сақлаш, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига қаратилаётган эътибор ҳамда бу борада қўрилаётган изчил чора-тадбирлар ва шу сайёҳаракатлар натижаси

хусусида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, мамлакатимизда болалар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил келтириб ўтилди.

Мажлисда репродуктив саломатлик ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида юқори технологияларни жорий этиш, ёрдамчи репродуктив технологиялар, молекуляр генетика, пренатал скрининг ноинвазив усуллари марказларини ташкил этиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

НУҚТАИ НАЗАР

Германия – Марказий Осиёнинг муҳим ва ишончли шериги

Мамлакатимиз ўзаро манфаатли, очик ва конструктив ташқи сиёсати туфайли жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортди. Ўзбекистонга нисбатан ишонч ва ҳурмат ошди. Дунё сиёсий ва иқтисодий алоқалар тизимида мамлакатимизнинг маъқенини ошириш, халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, ижобий имижини шакллантириш ҳамда Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничлик "камари"ни яратиш сиёсати ўз меваларини бераётганига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сайёрамизда зиддиятлар, қуролли можаролар, таъсир доирасини оширишга қаратилган ўйинлар кучайган бир паллада Марказий Осиёнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг минтақаларни ўзаро боғловчилик аҳамияти ошиб бормоқда. Айни шу омил жаҳон ҳамжамиятининг минтақага қизиқиши кучайишининг асосий сабабларидан биридир.

Марказий Осиёнинг дунёда аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақа ҳамда йирик дав-

латлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг турли форматлари ташкил қилинаётганида ҳам қўришимиз мумкин. Мавжуд "Марказий Осиё — АҚШ", "Марказий Осиё — Корея Республикаси", "Марказий Осиё — Япония", "Марказий Осиё — Ҳиндистон", "Марказий Осиё — Хитой", "Марказий Осиё — Россия" мулоқот форматлари қаторида "Марказий Осиё — Германия" форматини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



Миграция стратегияси лойиҳаси кун тартибиди

Кеча Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кайд этилганидек, сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг миграция стратегияси лойиҳасини тайёрлашдан иборат.

Йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари охириги бир неча ой давомида миграция юзасидан ўтказилган ўрганишлар

ҳамда тадқиқотлар натижасида тузилган маълумотлар, таъриф ва тавсияларни умумлаштириб, атрафлича муҳокама қилди.

Яқунда миграция стратегиясининг дастлабки лойиҳаси шакллантирилди ҳамда уни халқаро стандартлар ва миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига мувофиқлаштиришга қелишиб олинди.

Маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган механизмлар бартараф этилади

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида иккита қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Тадбирда кайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун норматив ҳужжатлардаги ортинча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этишга қаратилган.

Унга қўра амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шартини кўзда тутилмоқда.

Жумладан, "Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунга қишқир ва тадбиркорлик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини назарда тутувчи қўшимча киритилаяпти.

Сенаторлар алоҳида таъкидлаганидек, ушбу қонун эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиши баробарида, амалдаги бир қатор нормаларни қонунчиликка мувофиқлаштиришга ҳизмат қилиши билан диққатга сазовор.

Мажлисида, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги

Қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳокама қилинди.

Янги қонун билан маъмурий-ҳудудий бирликлар тузилганлиги ёки тугатилганлиги, уларнинг чегаралари ёки бўйсунуви ўзгартирилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахслар жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда улар қайта давлат рўйхатида ўтказилганлик учун давлат божини тўлашдан овоз этилишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилаяпти.

Ушбу қонун тадбиркорларнинг харажатларини қисқарттиришга ва эркин фаолият олиб боришига, суғурта хизматлари исстеъмолчиликнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда дастуриламал бўлади.

Муҳокама қилганда кўрилган масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ ПойДЕВОРИ МУСТАҲКАМЛАНСА...

Юртимизда болалар ва аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни оиладаги таълим ва эъзирликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Муҳими, охириги йилларда бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Бу нафақат юрдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Сенатда маъқулланган

Бу ҳусусда сўз кетганда, биринчи бўлиб, янги Ўзбекистонда жиноят учун жазо муқаррарлиги принципи таъминланаётганлигини таъкидлаш зарур. Мисол учун, қонунчиликнинг "оилавий (маиший) зуравонлик" тушунчаси киритилиб, бундай ҳуқуқбузарликлар учун тегишли равишда маъмурий ва жинорий жавобгарлик белгиланди.

Ҳимоя ордери талабларини бузганлик учун эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига оилавий (маиший) зуравонлик учун маъмурий ва жинорий жавобгарлик назарда тутувчи нормалар киритилди.

Вояга етмаганларга жинсий зуравонлик қилган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериши, болалар билан бевоҳиша ишлаши, шу каби фаолият турлари билан шугулланиши тақиқланди.

Аммо бундай саъй-ҳаракатларга қарамай бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида болаларнинг

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунчи манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмабди.

Масалан, оилавий (маиший) зуравонлик нафақат вояга етганлар, балки болалар ҳам дучор бўлаётганлигини ижтимоий тармоқлар орқали кўриб-билиб турибмиз. Бунга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодекслари тегишли моддаларида оилавий (маиший) зуравонликнинг қурбони эр-хотин, собиқ эр-хотин, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс ёки умумий фарзандга эга бўлган шахслар бўлиши мумкинлиги назарда тутилгани ҳолда болалар киритилмагани сабаб бўлмоқда.

Кунги кеча ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг галдаги ағали мажлисида маъқулланган "Оилавий (маиший) зуравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши



муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун шу каби муаммолар масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Мазкур қонун билан болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси замон талабидан келиб чиқиб мустаҳкамланмоқда.

Биринчи муҳим жиҳат. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59^г-моддаси ва Жиноят кодексининг 126^г-моддаси болага нисбатан оилавий (маиший) зуравонлик учун жавобгарлик билан тўлдирилмоқда. Бу модда билан болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланаяпти. Яъни болага, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийлик остида бўлган вояга етмаган шахсга нисбатан оила-

вий зуравонлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилаётди.

Иккинчи муҳим жиҳат. Жиноят-процессуал кодексига оилавий (маиший) зуравонлик билан боғлиқ янги норма киритилмоқда. Яъни оилавий (маиший) зуравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат ишни судда кўриш жараёнида, суд муҳокамасининг истагдан босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришдан олдин берилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Тахлиллар шуну кўрсатаяптики, тергов босқичида эр-хотинларнинг ўзаро ярашганлиги оқибатида айбланувчи томон жазо муқаррарлигини ҳис қилмай, бир йил давомида яна қайта зуравонлик содир этиши ҳолатлари кузатишмоқда.

Ҳозирги глобализация жараёнида зуравонликнинг бу тури на географик, на ижтимоий ёки иқтисодий чегараларни билмаслиги аён бўлди. Ривожланаётган ёки ривожланган мамлакатларда ҳам бу муаммага барҳам бериш жиддий чоралар кўришни талаб қилади. Дейлик, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра дунё бўйича хотин-қизларнинг 35 фоизи, яъни ҳар учинчи аёл зуравонликка дуч келмоқда. Бу эса ушбу муаммо жаҳондаги ҳеч бир давлатни четлаб ўтмай-

ди деганидир. Шунга яраша кўнгина давлатларда бу муаммони бартараф этиш йўналишида ўзига хос таҳриб тўпланган.

Эътибор қилинг, бунда энг асосий тамойил давлат ва нодавлат тузилмаларнинг жамоатчилик билан доимий алоқанда бўлишидан иборат. Негаки, зуравонлик ҳар қандай жиноят каби оғоҳлик ва шаффоқликдан "қўрқадан", зуравонлик ҳатти-ҳаракатлари жамият томонидан қораланиши эса уни тўхтатишнинг энг самарали йўлидир.

Ўзбекистон ҳам турли мутасадди тузилмалар ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг бу йўналишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги халқаро тажрибадан фойдаланиб келаётганлигини айтиш зарур. Бу, айниқса, тегишли йўналишда қабул қилинаётган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишлашда яққол намён бўлмоқда. Сўз юритилаётган қонун бунинг тасдиғидир.

Муҳими, ушбу қонун истиқболда оилавий (маиший) зуравонлик билан боғлиқ жиноят ишларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилишига, таъиқ ва зуравонлик содир этган шахсининг ҳулқига қўрсатилган ижобий таъсирнинг кучи янада ортишига ва оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланишига ҳизмат қилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА Тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ асосида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қўйи палатага киритилди.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсининг фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Яъни тақиқланган қуроллар ёки усуллар, ҳу-

суван, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратларни қўлланган ҳолда ов қилиш ва балиқ овлаганилик учун жинорий жавобгарлик белгиланаяпти. Бундан ташқари, кимёвий, биологик ва бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, қайта

қуриш, реконструкция қилиш ёхуд ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш вақтида даракларга, буталарга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, пайхон ва нобуд қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

Банклар санақияси: ҳуқуқий асос ва имкониятлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Банкларни санақия қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Банкларни санақия қилиш тизими тўловга қобилиятсиз банкларнинг иқтисодиёт ва банк тизимига салбий таъсири қисқарттиришга ва эркин фаолият олиб боришига, суғурта хизматлари исстеъмолчиликнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда дастуриламал бўлади.

Муҳокама қилганда кўрилган масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

даланиладиган воситалар, санақияни молиялаштириш механизми ҳамда банкларни иктиёр ва мажбурий тугатиш тартиби акс этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларни санақия қилиш ва тугатиш бўйича ваколатли давлат органи сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасида молиявий барқарорлиқни таъминлаш, тизимли молия-

Шаҳарсозлик: ЯНАДА САМАРАЛИ ВА ШАФФОФ

Бугунги кунда шаҳарсозлик тезкорлик билан ривожланиб бораётган соҳалардан саналади. Шу боси ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари натижасида шаҳарлар ва уларнинг атрофларида барпо этилаётган объектларнинг шаҳарсозлик норма ва қондаларига мос келишини таъминлаш, ушбу соҳада давлат бошқаруви асосий талабларидан бири дейиш мумкин.

Фирр

Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш тизимини исллоқ қилиш борасида қатор тадбирлар рўёбга чиқарилиб, бу борадаги давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилди. Натижада инвестицияларни жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратилиб, мамлакатимиз қурилиш соҳасида янги давр бошланди.



Авалло, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, юртимизнинг барча ҳудудда илгор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлди. Бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини янгича мезонлар асосида яратиш мақсадида бошланган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, шаҳарлар ва улар атрофларининг бош режалари эскиргани, бош режаларни ишлаб чиқиш кўп вақт талаб этиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тўхтатиб туриш имконияти йўқлиги сабабли ша-

ҳарсозлик фаолияти соҳасида шаҳарсозлик ҳужжатлари тизимини исллоқ қилиш борасида қатор тадбирлар рўёбга чиқарилиб, бу борадаги давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилди.

Шаҳарсозлик соҳасида ваколатли давлат органи — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган шаклда ишлаб чиқишда буюртма-чиға ва лойиҳа ташкилотларига лойиҳалаш топширигини бериш ваколатига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, унинг шаҳарсозлик сиёсатини мувофиқлаштиришдаги ролини кучайтиради ҳамда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни самарали бошқаришни таъминлайди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарихида аҳолини ва ишлаб чиқаруш кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш асослари белгиланди. Худудларнинг жорий ҳолати, салоҳиятини аниқлаш, ўзаро боғлиқлик мақсадларини ва хусусиятини ариқсадга, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида худудларро ва тармоқларо давлат манфаатларини мувофиқлаштириш ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш топширигини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарихидаги лойиҳавий ечимлар мамлакатимиз Тараққиёт стратегияси, шунингдек, халқаро ва минтақавий интеграция жараёнини, қўшни давлатларнинг худудий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари ҳамда жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилиш ўрин олгани муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат билан архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида худудларро ва тармоқларо давлат манфаатларини мувофиқлаштирилади. Қурилиш соҳасида шаффоқлиқни таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш орқали эса соҳага инвестиция киритиш имконияти кенгайди.

Умуман олганда, мазкур қонун фуқаролар учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитни сақлаган ҳолда шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлайди. Энг муҳими, Ўзбекистонда янада самарали ва шаффоқ шаҳарсозлик тизимини яратиш ҳамда ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечириши ва хавфсиз келажакка эга бўлиши мумкин бўлган замонавий худудларни барпо этишга ҳизмат қилади.

Фарход ЗАЙНБЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФЗАСИСИ ВА ЭКОЛОГИК БАҢҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ПИРОВАРД МАҚСАД

Бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида экология ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яшил майдонларни кўпайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Муносабат

Юртимизда сўнгги йилларда ушбу соҳани бошқариш ва тартибга солувчи қонунчилик базаси янада такомиллаштирилди. Соҳага оид қўра қонунлар ва қонунотси ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга таъиқ этилмоқда. Натижада экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Давлатимиз раҳбарининг айна мақсадага қаратилган қатор Фармон ва қарорлари, ташаббуслари шу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Янги тахрирдиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқлари қафолатланди.

Президентимиз шу йил 19 сентябрь кунги атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларидаги тақлифлар тақдими билан танишиш чоғида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Авалло, мамлакатда самарали экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида таёйрланган иккита дастур тақдими этилди. Хусусан, дастлаб экологик муаммолар ечимининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини ошатиш бўйича 2024 — 2030 йилларга мўлжалланган миллий дастур лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда барча соҳада иқлим ўзгаришига боғлиқ хавфларга мослашувчанликни ошириш бўйича алоҳида чора-тад-

бирлар ишлаб чиқилиши глобал иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг самарали олдини олиш имконини бериши таъкидлаб ўтилди. Зеро, унда автоматилсолликда "Евро — 4" стандартидан паст тоифадаги ёнгилгини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилмоқда. Бунинг учун Бухоро ва Фаргона нефтни қайта ишлаш заводлари юқори сифатли ёнгилги ишлаб чиқариш бўйича модернизация қилиниши режалаштирилмоқда.

Бугун аънанага айланиб бораётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси атраф-муҳит муҳофазаси барқарорлигини таъминлашда нафақат миллий, балки минтақа манфаатлари йўлида ҳам ҳизмат қилаётгани айна ҳақиқат. Ушбу лойиҳанинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида атмосфера хавоси сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда. Унга қўра келгуси беш йилда пойтахтимиз ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 441 гектар "яшил белбоғ" ва боғлар ташкил этилади.

Маъмулий, ҳар қандай давлат тараққиёти, ўз навбатида, чиқиндилар ҳосил бўлишига олиб келади. Бироқ уларни самарали бошқариш мамлакатнинг ҳам экологик, ҳам иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли санитар тозалаш ишларини тартибга солиш мақсадида мавжуд марказ неғизида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигини тузиш тақлиф этилди. Бунда са-



нитар тозалаш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларига қараб учта тоифага ажратган ҳолда рейтинг тизими жорий қилиниши режалаштирилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда уй-жой қурилиш ишлари индустрия даражасига олиб чиқилмоқда. Бу эса уларга нисбатан янги экологик талабларни жорий этишни такозо қилади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб янги қуриладиган, баландлиги 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортқ бўлган биноларни лойиҳалаштиришда унга туташ худудларнинг камида 25 фоизини қўқалмазорлаштириш талаби қўйилмоқда. Шунингдек, атраф-муҳитга зарари кўп саноят корхоналари "яшил белбоғ"лар барпо этиш мажбуриятини олади.

Яна бир муҳим жиҳат. Демократик қадриятлар тобора ривожланиб бораётган юртимизда экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада фаол ва жонқуяр инсонларни рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган эколог" фахрий унвони таъсис этилиши соҳа вакилларига бўлган юксак эътибор ва ғамжўрликнинг ёркин фодосиди, деб ўйлаймиз.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли азсоси сифатида 10 дан ортқ соҳаларга оид

халқаро ҳужжатларни ратификация этган. Тақдирот давомида атраф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Орхус конвенциясига қўшилиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қурилиш майдонларида атмосфера хавосини муҳофаза этиш талабига риоя қилмаслик бўйича модда киритиш мақсада мувофиқлиги айтилди. Даракларни кесим ва қасддан қуришти, дарё ўзларидан ноқонуний кум-сағал қазиб олиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш учун жарималарни ошириш ва қатъийлаштириш чоралари қўрилади.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда аҳоли томонидан ёввойи йиртқич ҳайвонлар тартибсиз парварши қилинаётгани, улар эса фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётгани кенг муҳокамага сабаб бўлаётди. Ушбу ҳайвонларни ҳондонларда боқиб ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Эндиликда ёввойи ҳайвонларни уй шароитида, цирк ва шапитоларда сақлаш ҳамда томошаларда фойдаланиш тақиқланиши айна мудабо бўлди.

Умуман, тақдирот давомида белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш ҳар бир раҳбар, айнақса, биз, депутатлардан ҳам катта масъулият талаб этади. Агар ушбу вазифаларни бирлашиб, астойдил амалга оширсак, экология барқарорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Бу эса пировардида қулай ва хавфсиз атраф-муҳит яратилишига ҳизмат қилади.

Илсом УШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТГА ТАЯНГАН, ҚОНУНЛАРИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА УЙҒУН, ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНДА, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ҚУРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ!



“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

“Миллий тикланиш” демократик партияси, аввало, халқимиз манфаатлари, партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, шунингдек, ватанпарвар номзодлар ва халқчил дастур сайловда ғалаба қозонишининг асосий мезони эканлигини чуқур англаган ҳолда ўзининг **2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурини** ишлаб чиқди ва сайловчилар эътиборига ҳавола этди. Янги Ўзбекистон ислохотлари мазмунига ҳамоҳанг бўлган мазкур ҳужжат партиянинг навбатдаги қадамлари учун стратегик дастур вазифини ўтайди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Янги Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таълим тизимини ҳам замонавий талаблар асосида ривожлантириш имконини беради. “Миллий тикланиш” демократик партиясининг **2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида** энг устувор вазифа сифатида соғлом ва барқарор авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни замон талабларига жавоб берадиган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш ва назорат қилиш белгиланган эди.

Хусусан, дастурда “**Таълим ва тарбия — миллий тараққиёт пойдевори**” шiori остида ёш авлод ҳаёти ва камоли, мамлакатимиз келажаги бўлган фарзандларимизни, аввало, мактабгача таълим босқичиданоқ уларнинг ақл-идроки ва эҳтини ўстириш, мактабгача ва мактаб таълими билан боғлиқ бўлган энг устувор мезонлар, долзарб масала ва муаммолар, уларнинг ечим қамраб олинган.

Статистик маълумотлар мактабгача ва мактаб таълими тизимида сўнгги олти йилда болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **27 фоиздан 70 фоизга** етганини, яъни **2 миллионга** яқин болалар бoғчaга бoрaётганини кўрсатмоқда. Мактаблар сони ҳам кейинги 5 йилда **660 тага** кўпайди ва **2023/2024 ўқув йили** бошдан фаолият юритаётган умумтаълим муассасалари сони **10 750** тадан ошди. Жумладан, **9 та** ижтимода **14 та** Президент мактаби, **9 та** оқиб мактаби ва **182 та** ихтисослаштирилган мактаб фаолият юритмоқда.

Биз ўтган йиллардаги таъриб ва ҳаёт талабидан келиб чиқиб, миллий тарбия асослари ва миллий таълим дастурларини ривожлантириш, узлуқсиз тарбия ва таълим йўналишининг ҳуқуқий асосларини қарорлаштириш чораларини кўриш учун **Янги авлод тарбиячиси ва педагоглари тайёрлаш давлат дастури**ни қабул қилиш, шунингдек, **педагогикага лаёқати** бор мактаб битирувчиларини саралаш ва давлат буюртмаси асосида ўқишини ташкил этиш, уч ёшгача бўлган болалар учун уларнинг ёшига мос **миллий видео-маҳсулотлар контентини** яратиш, тарбиячи ва ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва фаолияти жараёнида уларнинг олдинги иш фаолиятини ўрганиш, **психологик тестлардан ўтказиш тартибини** жорий этиш ҳамда ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун малакали педагог кадрларни саралаш олиш мақсадида мактабларда **педагоглари танлов асосида ишга қабул** қилишининг шаффоф тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Навбатдаги йўналиш эса бу олий ва олий таълимдан кейинги таълим ҳамда профессионал таълим ҳисобланади. Агар 2017 йили олий таълим муассасалари сони **77 та** бўлган бўлса, 2024 йилга келиб давлат ОТМлари сони **114 та**, хорижий ОТМ филиаллари **29 та** ва нодавлат ОТМлари сони **67 тани** ташкил этмоқда. Бу айни пайтда **210 та** олий таълим муассасаси талабалар хизматида дегандир.

Оқридагилардан келиб чиқиб, олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида миллий илмий кадрларни тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, бюрократик талабларни бекор қилиш, **Олий аттестация комиссиясини** ислох этиш, **ўзбек тилидаги маълумотлар базасини** кенгайтириш, ҳар йили хорижий тилдаги **мингта илмий адабиёт**нинг давлат тилига таржима қилишни мўҳим деб ҳисоблаймиз.

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, МАДАНИЯТ СОҲАСИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАМИЗ

“Миллий тикланиш” демократик партияси, гарчи истиқболли ғоя ва та-

шаббусларни қўллаб-қувватласа-да, бироқ миллийлик, урф-одат, анъана ва қадриятлар масаласида консерватив ғоялар тарафдори бўлиб қолаверди. Шу боис партия янги Сайловолди дастурида “**Қадриятларга таянган тараққиёт**” шiori остида миллий қадриятларни сақлаш ва тараққиётни таъминлаш мақсадида **миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, қадриятларни сақлаш ва бойитишга** алоҳида эътибор қаратиш билан бирга, **маданий мерос муҳофазаси, ундан фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишни** асосий вазифа сифатида белгилаб олди. Шунингдек, партия ўзбек тилининг нуфузи ва обрўсини сақлаш юзасидан **давлат тили макomini** ошириш, **кенг тарғиб этишга** алоҳида эътибор қаратади. Ушбу йўналиш доирасида партия маданий меросимизни асраб-авайлаш, ундан эҳтиёткорона фойдаланиш ва келажак авлодларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, **маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солиш** ташаббусини илгари сурмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда **8210 та** моддий маданий мерос кўчмас мулк объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларни сақлаш борасида муаммолар мавжуд.

Айнан шу сабабли, партияимиз маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу ташаббус орқали маданий ёдгорликлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш тартибини белгилашга, уларни миллий бойлик сифатида бутунлигича сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатади.

Шунингдек, партия ҳар қандай шaroитда миллий манфаатларни муросасиз ҳимоя қилиш, жамиятни ёт маданиятлар хисобига эмас, балки урф-одат, анъана ва қадриятларга асосланган ривожлантириш мақсадида ўз Сайловолди дастурининг **маънавий юксалиш ва маданий ривожлантириш** йўналишида “**Давлат тили ҳақида**”ги қонун-

болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги қобилият ҳам сўнади”, дея таъкидлайди. Бу билан айтиш керакки, партия миллий қадриятларимизни асрлар оша мустаҳкамлаб, янги авлодга мерос қилиб қолдириш тарафдоридир.

Асрлар оша халқимизда аёл зотига ҳурмат ва эътибор — энг олий қадриятлардан саналган. Халқимиз орасида “**Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратди**”, деган нақл бор.

Биз жамиятнинг барча ҳаётида аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини янада оширишни қўллаб-қувватлаймиз. Бу борада меҳнат жа-



моаларида гендер тенглигини таъминлашга оид таълимни ривожлантириш, **мослашувчан иш вақтининг** жорий қилиш, аёлларнинг оилада кўпроқ бўлишлари учун шaroитлар яратиш ва талаба оналар фарзандлари учун олий таълим муассасалари хузурида **маҳсус болалар хоналари** ёки **боғчалар** ташкил этиш каби ташаббусларни илгари суряптимиз.

Шу ўринда партиянинг **ниҳоддан ажралиш** оқибатида **уй-жойсиз қолган аёллар** ва уларнинг фарзандлари манфаатларини **ҳимоя қилиш ташаб-**

масалалари қанчалик мўҳим бўлса, **миллий иқтисодиёт** ва унинг асосий драйверларидан бири бўлган **туризмни ривожлантириш** ҳам асосий мақсадларимиздан бири, деб ҳисоблайди.

Шундан келиб чиқиб, қадриятларга асосланган **бозор иқтисодиёти** асосларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини шакллантириш, **хусусий мулк дахлсизлиги**, эркин ва ҳалол **рақобат муносабатларини** сўзсиз таъминлаш, замонавий, адолатли **пенсия** ва **тиббий суғурта** тизимларини яратиш сингари ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Иқтисодий рақобат тобора туризмни бораётган бугунги шaroитда маҳаллий ишбилармонлар ва тузилмалар манфаатини **оқилона ҳимоя қилиш**, бозор муносабатлари шaroитида “**Саҳоватли тadbиркор**” ва “**Ҳалол мансабдор**” мезонлари асосида фуқароларни рағбатлантириш ва уларни кенг **жамоатчиликка таништириш** орқали жамиятни қадриятлар атрофида **бирлаштириш** каби партия дастуридаги вазифаларни миллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида баҳолаш мумкин. Партия Сайловолди дастурида кўтарилган ушбу ташаббуслар эса яқин келажакда Ўзбекистоннинг “**даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар**” қаторидан ўрин олишига эришишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Бу йўналишларда **энг мўҳим истеъмол товарларининг бозор нархлари барқарорлигини таъминлаш**, ки-



тоб ишлаб чиқариш ва китоб сотувида қўлланиладиган **қўшимча қиймат солиғи** бўйича имтиёзлар жорий этиш, **солиққа тортиш** тизимини соддалаштириш, қазиб олинганда ёқилгиларга **босқичма-босқич** боғлиқликни камайтириш, “**яшил**” энергияга ўтишни рағбатлантириш ва **миллий валютанинг** қадрини ошириш, **миллий суғурта тизимини кенг жалб қилиш** каби аниқ тақлиф ва ташаббусларни билдираётганлиги ушбу партиянинг миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш каби ғоялар билан ҳам сайловларга жиддий кириб келаётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш ҳам партиянинг асосий ташаббусларидан бўлиб, у биринчидан **миллий маданий мерос объектларини** муҳофаза қилиш, **тарихий обидаларни сақлаш**, **миллий маданиятни кенг тарғиб қилиш** каби мақсадларимизга мос келса, иккинчидан, мамлакатнинг **иқтисодий ривожланишида** мўҳим ўрин тутайди.

Шундан келиб чиқиб, партия туризм соҳасини **умуммиллий ҳаракатга** айлантириш, “**очик эшиклар**” сиёсатини юритиш, **визасиз кириш** тизимини кенгайтириш, “**Туризм ассамблеяси**” коллегиал-консултатив кенгаши фаолиятини ташкил этиш ҳамда туризмни комплекс ривожлантириш бўйича **2030 йилгача бўлган стратегияни** ишлаб чиқиш ташаббусларини илгари суряпти.

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ЖАМИЯТ БАРПО ЭТАМИЗ

Давлат бошқаруви ва жамоатчиликда қонунийликнинг устуворлиги бу миллий тараққиётимиз қафолати, аслида. Шундан келиб чиқиб, партия **қонун устуворлиги давлат бошқарувининг асосий тамойили бўлиши** лозим, деб ҳисоблайди. Бунда, айниқса, қонун олдига барчаннинг тенглиги, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ишлаганини таъминлаш энг мўҳим хизматдир. Шу билан бирга, **суд тизимида адвокат ва прокурорнинг тенг ҳуқуқлиги** адолатли суд жараёнларини таъминлашга имкон беради. Натижада давлатнинг ҳуқуқий тизими фуқаролар учун таянчга айланади.

Партия **раҳбарларнинг жамият ва халқ олдидидаги қўбдорлигини доимий тарзда ошириб бориш** лозим, деб ҳисоблайди. Бу тамойил раҳбарларнинг халққа яқинроқ бўлишига, уларнинг эҳтиёжларини тўғри тушуниб, ҳал этишга кўмаклашади. Шунингдек, аҳоли билан **очик мулоқот қилиш**, уларнинг



фирк-мулоҳазаларини эшитиш ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш давлат бошқарувининг самардорлигини оширади. Бундай ёндашув раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириб, уларни ўз ҳаракатларида халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйишга ундайди.

Коррупцияга қарши курашиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири саналади. Буни кейинги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу жараёнларни изчил давом эттириш учун “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сайловолди дастурида “**Давлат хизматчисининг ҳалоллик текшируви**” институтини жорий этиш, давлат хизматчиларини сонини мунтазам камайтириб бориш тақлифи илгари сурляпти. Ушбу тақлифлар давлат хизматини тўғри ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш, давлат органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Шунингдек, ушбу тақлифлар амалга ошса, давлат хизматидаги профессионализм ва ахлоқни янада мустаҳкамлаш имкони яратилади.

“Миллий тикланиш” парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш боришга алоҳида эътибор қаратади. **Давлат бошқарувида парламентнинг ролини кучайтириш, қонун ижросини назорат қилиш**, давлат органлари фаолияти шаффофлигига эришиш мамлакатнинг барқарор ва адолатли ривожланишини таъминлайди. Бунда асосий мақсад — **ҳукумат фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш** ва ҳар бир қонуннинг ҳаётга тўғри татбиқ этилишини қафоллаштириш.

Оилани мустаҳкамлаш, унинг жамият асосий бўғини сифатидаги аҳамиятини ошириш ҳам диққат марказимиздаги масаладир. Шу муносабат билан партия дастурида **оилавий низоларни кўриб чиқиш бўйича судьяларни ихтисослаштириш** ишларини давом эттириш, **яраштирув институтининг** қўлланиш доирасини **томонлар розилиги билан кенгайтириб бориш**, оила, мерос, уй-жой даввоси ва турмушдаги бошқа низоларни ҳал этишда қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда муроса йўлини излаш, ишларни судгача олиб бормаслик каби вазифалар белгиланган.

ХАВФСИЗЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Партияимизнинг Сайловолди дастурида хавфсизлик ва аҳоли муҳофазасини кучайтириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Сабаби, барча соҳада миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш партиянинг асосий мақсадларидан биридир. Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, миграция ва

миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилишга оид қонунларни такомиллаштириш бўйича ташаббуслар илгари сурилган.

Партияимиз хавфсиз миллий ахборот маконини ривожлантириш масаласига “**XXI аср — ахборот асри**” эканлигиндан келиб чиқиб ёндашади. Бу борада шахс, жамият ва давлат тараққиётида ахборот ресурслари ва технологиялари ролининг ортиши, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ахборотлаштирилган жамият сифатида қуриш борасида амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлайди. Шу мақсадда, партияимиз томонидан **Янги Ўзбекистоннинг ахборот сиёсати концепцияси** ва унинг асосида **Ахборот хавфсизлиги доктринасини** ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Замонавий дунёда экологияга оид муаммолар дунё давлатларини бирдек хавотирга солмоқда. Айниқса, иқлим ўзгариши ана шундай кенг тарқалган глобал муаммолардан бири бўлиб, бунинг натижасида яна бир қанча муаммолар, жумладан, **озик-овқат инқирози вужудга келаётган**. Шу боис партияимиз аҳоли ҳаётига хавф солаётган оғатларнинг олдини олиш, глобал иқлим ўзгаришларига қарши туриш, **фавқулодда вазиятларда аҳоли муҳофазаси масалаларига эътиборни кучайтириб боришни** маълумлайди. Шу билан бирга, партия сув ресурсининг давлат муҳофазасига олинганлигини қўллаб-қувватлайди ҳамда **Сув истеъмоли маданиятини юксалтириш** дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизда кўп миллатли халқимизнинг ўзаро аҳил яшashi мўҳим ўрин тутайди. Шу боис партияимиз миллатлараро муносабатлар борасидаги сиёсатини, хусусан, бағрикенглик ва инсонпарварликни кенг тарғиб этишни, миллатлараро ҳамжиҳатлигини, жамиятда фуқаролар тугувлигини мустаҳкамлашни, барча фуқароларга миллат, этникодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишни қўллаб-қувватлайди. Бу борада “**Биз — биримиз, ўзбекистонликмиз!**” ғоясини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёти ҳамда бирдамлигини мустаҳкамлаш, уларни дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик ва маҳкам тақдир учун масъулият ва дахлдорлик туйғуси атрофида жипслаштиришни илгари сурамиз.

Партияимиз **Марказий Осиё минтақасида** амалий ҳамкорликни тинимсиз яхшилаб бориш, туркий дунё билан алоқаларни янада кучайтириш тарафдори.

Яна бир мўҳим масала, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасидаги давлат сиёсатини ривожлантириш ҳисобланади. Шу сабабли, партияимиз қадриятларимизни, тарихий-маданий меросимизни мамлакатимиздан ташқарида кенг ёйишда ватандошларимизнинг амалий хизмати беқиёслигини эътироф этиб, уларнинг энг фаоллигига ватандошлик ғувоҳномаларини бериш амалиётини жорий қилишни тақлиф қилади.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграциясига давлат эътиборини янада кучайтириш, хорижда ишлаш учун қулай шaroитлар яратиш, меҳнат қилаётганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга кўмаклашиш каби долзарб масалалар партиянинг доимий диққат марказида бўлади.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Нодирбек ТИЛВОНДИЕВ,
Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА,
«Миллий тикланиш» демократик партияси
Марказий кенгаши раиси ўринбосарлари.

